БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 287 (19.363). ● 1985 йил 15 декабрь, якшанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига

МЕҲНАТ РАПОРТИ

«Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, асосий кўрсаткичлар бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди.

Беш йиллик бошидан буён 4 миллион 432 минг тоннадан кўп нефть, бир миллиард 226 миллион куб метр газ қазиб чиқарилди, 500 минг метрдан ортиқ тоғ жинслари пармаланди, 232 та қудуқ қуриб битказилди. Нефть конлари телемеханизациялашганлиги, нефть қазиб чиқаришни оширишга ва қудуқларнинг ремонтлар ўртасидаги даврда ишлаш муддатини 1,4 баравар узайтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилганлиги туфайли шундай муваффақиятга эришилди.

Йил охиригача беш йиллик топшириққа қўшимча равишда 100 минг тоннадан кўп нефть, 220 миллион куб метр газ қазиб чиқариш, 8,8 минг метр тоғ жинсларини пармалаш кўзда тутилмоқда. Бу бирлашма коллективининг КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига муносиб совғаси бўлади.

(ЎзТАГ).

Тошкент шаҳар XXV партия конференциясининг президиуми. ЎзТАГ фотоси.

ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР XXV ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Ўзбекистон пойтахтидаги қўйи партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, барча соҳаларда иш аҳволини атрофлича таҳлил қилиш муҳитида ўтди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг муҳим проблемалари тўғрисида партия съездолди ҳужжатлари лойиҳаларида коммунистлар олдига, бутун мамлакат олдига қўйган тарихий вазифалар ҳақидаги ана шу катта ва ошкора муҳокама 14 декабрь куни бўлиб ўтган Тошкент шаҳар партия конференциясида кенг давом эттирилди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Ельцин қатнашди.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Б. Ф. Сатин**нинг шаҳар партия комитети номидан қилган ҳисобот докладида, делегатларнинг нутқларида шу нарса уқтириб ўтилдики, Тошкент коммунистлари, барча меҳнаткашлари мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштиришнинг партия ўртага қўйган программасини, КПСС билан Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини астойдил маъқулламоқдалар ва яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Съездолди ҳужжатларини партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида муҳокама қилиш конкрет кундалик ва истиқбол вазифаларини ҳал этиш билан чамбарчас боғлаб олиб борилмоқда.

Конференция қатнашчилари кўпгина проблемалар хусусида гапирдилар. Лекин гап нима ҳақда бормасин, бу ишлар ҳақида мазмунли, амалий сўз борди, ошкора, принципиал ва талабчанлик билан фикрлашиб олинди, актуал вазифаларни ҳал қилишнинг конструктив йўллари қидирилди.

Конференцияда шаҳар партия комитети ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг, меҳнат коллективларининг Тошкент иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалини ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш соҳасидаги иш ҳар томонлама танқидий таҳлил этилди. Эришилган натижалар билан бир қаторда барча партия, совет ва хўжалик органларининг фаолиятини ишлаб чиқаришни интенсивлаш сари қатъиян буриб юбориш ҳали таъминланмаганлиги уқтириб ўтилди. Бунинг учун масъулият аввало шаҳар комитетининг бюроси, секретарлари, саноат бўлими зиммасига тушади. Янги қувватлар суст ишга туширилди, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан етарли фойдаланилмади ва айни вақтда планларни камайтириш тарафга ўзгартиришдек яроқсиз практика бутунлай тугатилмади. Шунинг оқибатида анчагина миқдордаги маҳсулот берилмай қолди. Киров, Фрунзе, Куйбишев районларининг корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш суръатлари юзасидан белгиланган беш йиллик директив топшириқлари бажарилишини таъминламади. Бу йил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш плани ҳам бажарилмади, уларнинг сифати паст, турлари кам.

Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини сабот билан ошириш керак. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари **Х. Н. Шагиев**, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **В. Н. Журавлев** ва бошқа нотиқлар шу ҳақда гапириб, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ҳар бир участкада фан-техника тараққиётини жадаллаштириш резервларидан ҳали ҳам етарли фойдаланилмаётганини уқтириб ўтдилар.

Нутқларда илм-фанни халқ хўжалиги вазифаларига қатъиян буриш зарурлиги таъкидланди. Тошкентда 112 та илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик институти ва ташкилоти, 18 та олий ўқув юрти бор. Аммо олимларнинг ечимлари халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболи билан боғлиқ бўлган конкрет проблемалар ва вазифаларни ҳал этишга ҳамон дуруст таъсир ўтказмаяпти, институтларнинг саноат корхоналари билан шартномаларига онд ишлар камдан-кам бажарилмоқда.

— Мен корхонамда чорак асрдан буён ишлаяпман — деди ўз нутқида Главташкентстройга қарашли 1-уйсозлик комбинатининг бригадири **И. Орипов**. — Лекин ажабланадиган жойи шундаки, биз кассета қурилмаларини ҳозиргача эски усулда қиргич билан қўлда тозалаяпмиз. Хўш, илм-фан қаерда? Фан-техника тараққиёти ютуқлари қаерда?

Шаҳар ва район партия комитетлари, дейишди делегатлар, илм-фан, лойиҳа, конструкторлик коллективларининг ишини синчиклаб таҳлил этишлари, уларга партиявий раҳбарликни такомиллаштиришлари, олимларни ишлаб чиқаришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга ва тугалланган ечимларни кенг жорий қилишга сафарбар этишлари лозим.

Қурилишдаги ишларнинг аҳволи ҳам конференцияда жонкуярлик билан таҳлил қилинди. Умуман шаҳарда капитал маблағларни ўзлаштиришнинг беш йиллик плани бажарилмаяпти. Беш йиллик бошлангандан буён уй-жойларни фойдаланишга топшириш соҳасидаги қолоқлик қарийб 400 минг квадрат метрга етди. Қурилиш-монтаж ишларининг сифати ҳали ҳам паст. «Висотстрой» трести комплекс бригадасининг бошлиғи **М. Ҳабибуллаев** ва бошқа делегатлар шу камчиликларни тугатиш йўллари ҳақида гапирганларида қурилиш ишларининг ташкил этилишини такомиллаштириш, бригада пудратини кенг жорий этиш, ишларни механизациялаш даражасини ошириш, меҳнат ва план интизомини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар.

Тўқимачилик комбинатининг ип йигирувчиси **Д. М. Қосимова**, Акмал Икромов район ижроия комитетининг раиси **Г. И. Медников**, 4-автокомбинат шофери **М. Д. Омонов**, 210-мактаб ўқитувчиси, бошланғич партия ташкилотининг секретари **Н. И. Маринова**, Ўзбекистон Театр жамиятининг раиси СССР халқ артисти **Б. Р. Қориева** ва бошқа делегатлар партия ва совет органлари уй-жой ва социал маданий-маиший объектлар қурилишини кенгайтириш, унинг сифатини яхшилаш, одамларнинг маънавий талабэҳтиёжларини тўлароқ қондириш, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифининг, хизмат соҳаси, коммунал хўжаликнинг моддий-техника базасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни янада сабот билан ҳал этишлари лозимлигини уқтириб ўтдилар.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, совет органлари савдо-сотиқни, умумий овқатланишни, маиший хизмат кўрсатишни, айниқса янги турар жой массивларида ана шундай хизматларни ташкил қилишдаги нуқсонлар ва камчиликларни бартараф этишда етарли даражада сабот-матонат ва талабчанлик кўрсатмаяптилар. Савдо корхоналари планларни муттасил бажармаяптилар, савдо ва умумий овқатланиш бош бошқармаларининг бошлиқлари Ғ. Мансуров билан Р. Ўрозбоев эса тартиб ўрнатиш юзасидан қатъий чоралар кўрмаяптилар. «Ташплодоовощ» бирлашмаси (директори Ю. Ражабов) сабзавот ва меваларни давлат йўли билан узлуксиз сотишни йўлга қўйиш имкониятидан суст фойдаланмоқда. Савдо ходимларининг бундай беparволиги ва сусткашлигига тоқат қилиб бўлмайди.

Транспортнинг ҳар хил турлари, пассажирларга хизмат қилиш ишида ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор. Пассажир ташишнинг илғор усуллари ғоят суст жорий этилмоқда. «Миконд» заводи участка бошлиғи **Т. И. Дудин** айниқса иккинчи сменадан кейин ишчиларнинг уйга боришлари ғоят қийин бўлаётганини, — кечаси соат 10 дан кейин шаҳар магистралларида жамоат транспорти қам қатнашини айтди.

Делегатлар ташкилий-партиявий ишлар савиясини муҳокама қилиб, ленинча услубни ишчанлик ва конкретликни янада қатъият билан қарор топтириш, мажлисбозликни камайтириш, белгиланган режаларнинг бажарилиши устидан контролни яхшилаш, шовқин-сурон ва дабдабабозликка бутунлай барҳам бериш лозим, деб таъкидладилар. Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг пўлат эритувчиси **Е. А. Маршалов** шаҳар партия комитети ўз қарорларини амалга оширишда ҳамиша ҳам дуруст иш чиқаришлик ва қатъият кўрсатмаганини айтди. Салбий ҳодисаларга қарши суст кураш олиб борилмоқда, камчиликларга нисбатан муросасозликка, ўз обрўйини тўккан ходимларга баҳо беришда либерализм ва принципсизликка йўл қўйилмоқда.

Делегатлар шаҳар партия комитети ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва маъмурий органларга нисбатан талабчанлик қилмаётганлигини, бу органлар ҳуқуқбузарлик, хўжалик жиноятларини тўдан тугатиш юзасидан зарур чораларни кўрмаётганликларини таъкидладилар. Социал-психологик муҳитни соғломлаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим. Бу — ҳар бир коммунистнинг, айниқса, раҳбар коммунистнинг бурчидир.

Конференцияда шаҳар партия комитети, район комитетларининг идеологик, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириш, бу ишларнинг энг муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш билан боғланишини мустаҳкамлаш соҳасидаги амалий тадбирларига катта эътибор берилди. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қабул қилган съездолди ҳужжатлари шундай қилишга ундайди.

Партия комитетлари сиёсий, тарбиявий ишнинг савияси ва таъсирчанлигини оширишлари керак, дейишди делегатлар. Масалан, партия ветеранларини, хўжалик раҳбарларини, олимларни ягона сиёсий кунлар ўтказишга, коллективларда сиёсий, иқтисодий ва социал мавзулардаги суҳбатларга активроқ жалб этиш лозим. Кишиларни, айниқса, ёшларни ғоявий, маънавий жиҳатдан ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак.

Конференцияда **Б. Н. Ельцин** нутқ сўзлади.

— Бугун конференция шаҳар партия комитетининг ҳисобот давридаги ишини якунлабгина қолмай, шу билан бирга партия ташкилоти ишининг энг муҳим масаласи — кадрлар сиёсатидаги жиддий камчиликларни муҳокама қилиб очиб ташлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейинги ишларни анализ қилиб, ўткир, ошкора, ўз-ўзини танқид асосида якунлаётганлиги айниқса муҳимдир, деди Б. Н. Ельцин. Партиядаги бутун ҳисобот-сайлов кампанияси учун талабчанлик вазияти характерлидир. КПСС Марказий Комитетининг апрель ва октябрь Пленумларидан, Марказий Комитетда фан-техника тараққиётига бағишлаб ўтказилган июнь кенгашидан кейин жамики иқтисодий, социал, маънавий соҳаларда янгича бурилиш кўринди ва сезилиб турибди.

Бугун ҳисоботдан ташқари съездолди ҳужжатлари ҳам муҳокама қилинмоқда. Бу ҳужжатларнинг аҳамияти беш йиллик доираси билангина чекланмайди, улар XXI асрга назар ташлаш имкониятини яратади. Кейинги вақтларда партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати экономикани интенсив ривожланиш изларига ўтказишни жадаллаштириш, халқ хўжалигини бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан бир қанча катта тадбирларни кўрдилар. Ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида авж олдириб юборилган катта қизғин ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ самаралар бермоқда. Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ошмоқда, иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланмоқда. Аграр секторда-ги, қурилишдаги силжишларни пайқаб олиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси — аввало бизда жуда кўп имконият ва резервлар борлигидан шаҳ-шубҳасиз далолат бериб турибди. Ҳозир партия бутун диққат-эътиборни шу имконият ва резервлардан янада тўла-тўкис фойдаланишга қаратмоқда.

Ўзбекистон мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга каттагина ҳисса қўшмоқда. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами туфайли республикада экономика ва маданият янада равнақ топди. Ишлаб чиқариш потенциали ошиб борди. Бирталай янги йирик саноат корхоналари ишга туширилди.

Социал ривожланишнинг каттагина программаси амалга оширилди. Республика меҳнаткашлари 5 йил мобайнида 30 миллион квадрат метрга яқин шинам уй-жой оладилар, шу тариқа қарийб икки ярим миллион кишининг уй-жой шароитлари яхшиланади. Кўпгина мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, касалхоналар, поликлиникалар қурилди.

Шу билан бирга партия турмушининг ленинча нормаларидан жиддий равишда чекинилганлиги, партиявий раҳбарлик принциплари қўпол равишда бузилганлиги оқибатида республикада барпо этилган жуда катта иқтисодий потенциалдан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Ўтган йил июнида республика партия ташкилотининг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасидаги вазифалари масаласини муҳокама қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми шу фикрни айтганлиги сизларга маълум.

Шу пленумдан кейин бир ярим йил вақт ўтди. Энди якунлар ясаш мумкин ва лозим. Республикада очиб ташланган камчиликларни тугатиш ва йўл қўйилган хаталарни тузатиш иши ўтказилди (аниқроғи эса — бошланди). Партия, совет ва хўжалик раҳбарлигига янги кучлар келмоқда.

Республикадаги ҳисобот-сайлов кампанияси ва бугунги шаҳар конференцияси, бизнинг фикримизча, анча юқори ғоявий-сиёсий ва ташкилий савияда ўтмоқда. Йиғилиш ва конференцияларда партиянинг КПСС XXVII съездига тайёргарлик даври ва навбатдаги беш йиллик учун қўйган вазифаларини амалга ошириш тўғрисида, коллективларнинг етилган проблемалари ҳақида манфаатдорлик билан гаплашиб олинди. Кўпгина йиғилиш ва конференцияларда партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи очиқ-равшан ва чуқур таҳлил этилди, кўпдан-кўп камчиликлар ва фойдаланилмаётган катта резервлар аниқ кўрсатиб берилди. Бир қанча ҳолларда юқори партия ва хўжалик ташкилотларининг фаолияти танқид қилинди. Масалан, Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводидаги, «Ўртоқ» кондитер фабрикасидаги, кўпгина бошқа корхоналардаги йиғилишлар шундай руҳда ўтди.

Коммунистларнинг активлиги бирмунча ошганлиги кишини мамнун этади. Биронта танқидий мулоҳаза ва таклиф партия комитетларининг диққат-эътиборидан четда қолмаслиги, уларни амалга ошириш юзасидан актив иш ташкил этилиши ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак.

Ижобий тенденцияларни қайд этиш билан бирга бугун ҳали республика ва шаҳар КПСС Марказий Комитети кутаётган ва умид қилиш учун ҳамма асосларга эга бўлган натижаларга ва яхшилик сари бурилишга эришмаганлигини партиявий руҳда очиқ-равшан тан олиш керак. Нуқсонлар ҳали етарли даражада активлик билан бартараф этилмаяпти. Ўз сафларида 106 мингга яқин коммунистни бирлаштириб турган ва Ўзбекистон Компартиясининг авангарди бўлган Тошкент шаҳар партия ташкилоти зиммасига алоҳида масъулият тушади. Барча республика министрликлари ва идоралари марказий аппаратининг

(Давоми иккинчи бетда).

Б. Н. ЕЛЬЦИНнинг Тошкентда бўлиши

КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Ельцин Тошкентда бўлганида «Главташкентстрой»га қарашли биринчи уйсозлик комбинати, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, трактор заводи ва бошқа объектларга борди, метрополитен, телевизион комплекс, янги қурилиш районлари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини кўздан кечирди.

Ишчилар, жамоатчилик вакиллари ва мутахассислар билан учрашувлар чоғида партия, план, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, материалларни иқтисод қилиш, ресурсларни тежаш технологияларидан активроқ фойдаланиш, маҳсулот сифати ва пишиқ-пухталигини ошириш йўллари хусусида батафсил гаплашиб олинди. Корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш суръатларини оширишга, меҳнаткашларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон пойтахти корхоналарига борилган пайтда меҳнат унумдорлигини ўстириш, иш вақтининг зое кетишини камайтириш, янги машиналар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, халқ истеъмоли товарлари тайёрлашни кўпайтириш учун ҳамма резервларни ишга солиш муҳимлиги уқтириб ўтилди. Шаҳар социал структурасини ривожлантириш, уй-жой қурилишини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика партия-хўжалик активи билан учрашув бўлди. Экономикага партия раҳбарлиги, 1985 йил планларини бажариш, халқ хўжалиги тармоқларини ўн иккинчи беш йилликда муваффақиятли ишлашга тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Б. Н. Ельцин билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев бирга бўлди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш органларига кўмаклашиш борасидаги самарали ишлари, донорликни ривожлантиришда ва аҳолини санитария-гигиена жиҳатидан тарбиялашдаги фаол иштироки учун **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри. 1985 йил, 14 декабрь.

ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

партия аъзолари шаҳарнинг партия ҳисобида турганлигини ҳам назарда тутмоқ керак.

Бу ерда делегатлар ҳақли равишда уқтириб ўтганларидек, Тошкент шаҳар партия комитети, район комитетлари ҳисобот ва сайлов давомида ҳар бир партия группасида, цех ва бошланғич партия ташкилотида ишларнинг аҳволига ҳақиқатан ҳам танқидий, муросасиз ёндашиш вазиятига эриша олмадилар. Ножўя ишлар ва суиистеъмолликлар очиб ташланган айрим ташкилотлардаги партия йиғилишларида бу масалаларнинг кескинлиги хас-пўшлаб кетилди, партиявий принципларга хилоф иш тутишга йўл қўйилганлигига принципиал баҳо берилмади.

Мана шуларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари белгилаб берган конкрет хўжалик, сиёсий вазифаларнинг ҳал этилишига салбий таъсир қилмай қолмади.

Аввало фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Бу — партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласидир, бутун ишимизнинг бош йўналишидир. Тошкент шаҳри саноатидаги ишларнинг аҳволига ана шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, янгича ишлаш хусусиятларини ҳали ҳамма ҳам узил-кесил англаб олмаган ва тасаввур қилмайди деган хулосага келиш мумкин. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш чоғида шаҳарда янги қурилишга асосий эътибор берилди ва шундай қилинмоқда. Корхоналарни реконструкциялашга капитал маблағнинг атиги бешдан бир қисми сарфланмоқда. Ишлаб турган корхоналар кўп вақт техника жиҳатдан қайта жиҳозлантирилмаяпти. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида фонд самарадорлиги 7 процент камайди. Қўл меҳнатининг ялпи салмоғи юқори. Бунинг учун илмий ва инженер кадрларга жиддий эътиборлар билдириш керак. Фан ва илғор тажриба ютуқлари ишлаб чиқаришга суст жорий этилмоқда.

Республика Фанлар академияси, Тошкентдаги пахтачилик учун машиналарга ихтисослаштирилган бош конструкторлик бюроси, «Ташсельмаш» заводи кўп йиллардан бери пахта териш техникасини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Бу ишга жуда катта кучлар жалб этилган. Натижа қандай бўлаяпти? Шу кунгача ҳосилнинг атиги учдан бир қисми машиналар ёрдамида териб олинмоқда. Шаҳарликлар ҳар йили пахта теримига жалб этилмоқда. Республика бундан жуда катта зарар кўрмоқда. Айни вақтда шу беш йилликда пахтани териб олишни механизациялаш даражаси икки баравар пасайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси пахта териш машиналарини яратишда қатнашаётган барча кишиларнинг кучғайратини ягона техника марказини ташкил этишга бирлаштириш ва 1986 йилда бу вазифани ҳал этиш тўғрисида қарор қабул этиб, тўғри иш қилди. Бу ишни талабчанлик ва қатъият билан охирига етказиш керак.

Кўпгина партия комитетлари ишнинг вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларидан қандай қилиб тўлароқ фойдаланиш каби жабҳасини назардан четда қолдирмоқдалар. Ана шу ишлаб чиқариш қувватларининг иш билан таъминлаш даражаси шаҳар халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида ўрта ҳисобда 80 процент, енгил металл конструкциялар заводларида 67 процент, «Средазгазавтоматика» ташкилотларида 74 процент, «Промсвязь» корхоналарида 79 процентни ташкил этади.

Ҳолбуки, Тошкент ва республика мамлакатнинг бошқа регионларига қараганда анча катта меҳнат ресурсларига эга. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосий фондларнинг кўпайишидан бир ярим баравар орқада қолаётганлиги каби фактга бундан буён тоқат қилиб бўлмайди.

План топшириқлари ва шартнома мажбуриятларини уддалай олмаётган корхоналар тобора кўпаймоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш маданияти даражасини бошқа омилларга нисбатан яхшироқ белгилайди. Бу соҳадаги ишлар ҳам тубдан яхшиланишга муҳтождир. Ҳозирги вақтда 10 процентга яқин маҳсулот давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Бу бошқа республикаларга қараганда кам.

«Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси тўқимачилик саноати учун ишлаб чиқараётган йигирув ва пилталаш машиналарининг сифати кўп йиллардан бери яхшиланмаяпти, «Ташхимсельмаш» заводи маҳсулотнинг бешдан бир қисмини брак билан чиқармоқда. Мазкур бирлашма ва завод ўзининг катта партия ташкилотларига эга. Улар ишни яхши йўлга қўйишга қодир, деб ўйлаймиз.

Қурилиш сифати хусусида анчагина эътирозлар бор. Главташкентстрой қурган уй-жойлар иситилмаётганлиги, улардаги лифтлар ишламаётганлиги, иссиқ сув бешинчи қаватдан юқорига чиқмаётганлиги, газнинг йўқлиги, кўпгина бошқа камчиликлар ва нуқсонлар борлиги тўғрисида ҳамон шикоятлар тушмоқда.

Иш сифатининг пастлиги — халқ бойлигини совуриш ва одамлар меҳнатини йўққа чиқаришдан иборатлигини унутмаслик зарур, ўртоқлар. Сифатни яхшилаш ҳар бир меҳнат коллективининг ва ҳар бир партия ташкилотининг шарафли иши бўлиб қолиши керак.

Капитал қурилишга партия раҳбарлигини жиддий равишда такомиллаштириш талаб қилинади. Шаҳарни ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар ҳар йили ўзлаштирилмай қолмоқда. 1985 йилда илгари эришилган даражадан ҳатто орқада қолишга йўл қўйилди. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида Тошкент меҳнаткашлари учун анчагина уй-жой қурилмай қолди. Коммунал хўжалик, шаҳардаги инженерлик тармоқлари ва коммуникацияларни ривожлантиришда орқада қолинмоқда. Аҳолини транспорт, газ, иссиқлик, сув билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келди. Мана шундай мураккаб вазиятда планга киритилмаган муҳташам объектлар ва маъмурий бинолар қуришни зўр бериб давом эттираётган шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети тутган йўлни тушуниш қийин. Шаҳар хўжалигини, соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, савдони ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар ўзлаштирилмаяпти.

Қурилиш индустрияси корхоналарини барпо этиш топшириқлари йил сайин бажарилмаяпти. 1-ва 2-уйсозлик комбинатларини реконструкциялаш суст олиб борилмоқда. Ҳажмли-блок уйсозлик заводи қурилиши чўзиб юборилди. 4-уйсозлик комбинати лойиҳадаги қувватга ҳануз чиқа олгани йўқ. Ўзбекистон ССР қурилиш министри ўртоқ Потуремский, Главташкентстрой бошлиғи ўртоқ Дудин (у шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган ва қурилиш масалалари билан шуғулланган) бу масалада принципсизлик кўрсатиб, ўзларига нисбатан ҳам, раҳбарларга нисбатан ҳам ишнинг ана шу соҳасига жавоб берадиган тарзда юксак талаб қўймаяптилар.

Партия Марказий Комитети ҳар бир партия ташкилотидан совет кишиларининг талаб-эҳтиёжларини қондиришга доимо зўр эътибор беришни талаб қилади. Ишни ана шундай йўлга қўйиш партия сиёсатининг моҳиятидан келиб чиқади. Совет кишиси тўғрисида, унинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия сиёсатининг диққат-марказида бўлиб келди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади. КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси ҳамда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳаларида шу ҳақда гапирилган.

Экономикага партия раҳбарлиги даражаси, шаҳар ва район партия комитетларининг иш услуби ва методлари ҳали замон талабларига жавоб бермайди. Партия турмушининг ленинча нормаларидан жиддий чекинишларга, партия, давлат ва меҳнат интизомини, социалистик қонунчиликни қўпол равишда бузишларга йўл қўйилмоқда. Салбий ҳодисаларга қарши кураш лозим даражада зўр ғайрат, қатъият ва принципиаллик билан олиб борилмаяпти. Бу ишда баъзан расмиятчиликка йўл қўйилмоқда. Республика Компартияси Марказий Комитетининг ўтган йилги пленумида буларнинг ҳаммаси алоҳида муҳокама қилинган эди. Лекин афсуски, бу ҳақда бугун ҳам гапиришга тўғри келади.

Кадрлар билан ишлаш соҳасида эришилган ютуқларга ижобий баҳо бериб, бу ишда илгаригидек зарур принципиаллик ва изчиллик етишмаётганлигини, қўпол хатолар ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини таъкидлаш лозим. Ходимларни сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий фазилатларига қараб юқори лавозимларга кўтариш ўрнига, уларни қариндош-уруғчилик, шахсий садоқатига қараб, баъзида эса таъмагирлик майли билан тайинлаш ҳоллари ҳамон кўп учрамоқда. Кадрларга нисбатан зарур талабчанлик кўрсатилмаётганлиги, шунингдек партия контроли йўқлиги хизмат вазифасини суиистеъмол қилишга, қўшиб ёзишларга ва кўзбўямачиликка, совет қонунларини ва партия турмуши нормаларининг бузилишига олиб келмоқда.

Шаҳарда обрўсини туширган кишилардан қутилишга ҳаракат қилинаётганлиги яхши. Лекин ўзини обрўсизлантириб қўйган ходимлар кўп ҳолларда юқори органларнинг қатъий талаби билангина тегишли равишда жазоландилар.

Айрим кишилар йўл қўяётган, бир қарашда аҳамиятсиздек кўринган қонун бузишларга, социалистик турмуш тарзи нормаларидан чекинишларга эътибор берилмаяпти. Бундай «аҳамиятсиз нарсалар» кўпгина кишилар учун аста-секин нормага, ахлоқ нормасига, сўнгра эса муқаррар равишда катта нуқсонга айланиб, уларни тубан тушишга дучор қилмоқда. Айрим раҳбарлар эгаллаб турган лавозимларига муносиб эмаслигини ва улар ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётганликларини билган ҳолда бунга тоқат қилиб, принципсизлик кўрсатаётган партия комитетларини жиддий огоҳлантириш ўринлидир. Жиддий камчилик ва хатоларга йўл қўйган ходимлар ўз ҳоҳиши билан ишдан бўшаш ва ҳатто бошқа раҳбарлик лавозимига ўтиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Афтидан баъзи партия комитетлари кадрларга нисбатан эҳтиётлик билан муносабатда бўлишнинг ўзини обрўсизлантириб қўйган кишини жавобгарликдан қутқариб қолишга уриниш билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тушуниб етмаётган бўлсалар керак.

Ҳуқуқ-тартиботни, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Бунда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш устидан партиявий контролни кучайтириш керак.

Коллективларда, айниқса ёшлар орасида тарбиявий ишлар олиб бориш учун раҳбар коммунистларга нисбатан талабчанлик бир мунча сусайтириб юборилган. Раҳбарларнинг кўпчилиги одамлардан ажралиб қолган, улар бригадаларда, ётоқхоналарда деярли бўлишмайди. Ўз ишчиларининг ташвиши ва талаб-эҳтиёжини билишмайди. Кўпинча ишлаб чиқаришда энг оддий маиший шароит яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилишмайди.

Шаҳар партия ташкилоти кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда жиддий хатоларга йўл қўйганлиги кўп жиҳатдан иш нотўғри услубда олиб борилганлиги натижасидир. Кейинги йилларда ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг роли пасайтириб юборилди. Оммавий ахборот воситалари ҳамиша партиявий позицияларда туриб иш олиб бораяптилар, деб бўлмайди.

Партия сафларининг соғлиги учун кураш сust олиб борилмоқда. Кўпгина район партия комитетларида ва шаҳар партия комитетида айрим шахсларнинг ишлари ёлдин бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинмай туриб, кўриб чиқилмоқда.

Партия воқеликни ҳар қандай бузиб кўрсатишга қарши муросасиз кураш олиб бормоқда. Холисона ахборот бермай, жамоат турмушидаги реал воқеаларни аниқ билмай туриб, нормал ишлаш, тўғри, ҳар томонлама пухта ўйланган йўлни ўтказиб бўлмайди. Ҳар бир партия ташкилотида ишга холисона баҳо бермасликка, ўз-ўзини мақташ ва дабдабабозликка бутунлай йўл қўймайдиган, танқид ва ўз-ўзини танқидга кенг йўл очиб берадиган муҳитни яратиш вазифаси қўйилмоқда. Бунда аввало партия ходимлари намуна кўрсатишлари керак.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шаҳар партия комитети Советлар, касаба союзлари, комсомолнинг фаолиятига сust таъсир ўтказмоқда, уларнинг ишини чуқур ўрганмаяпти, камчиликларини ўз вақтида тузатмаяпти, уларга зарур ёрдам кўрсатмаяпти. Халқ контроли ишини анча кучайтириши зарур.

Тошкент шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари аҳволни тузатиб оладилар, деб қатъий ишонамиз, деди ўртоқ Ельцин. Коллектив раҳбарлик органлари сифатида пленумларнинг ролини кучайтириш, шаҳар партия ташкилотларида ошкора фикрлашув, принципиал танқид ва ўз ўзини танқид, салбий ҳолатларни кескин равишда таг-томири билан тугатиш учун имкон берадиган вазиятни вужудга келтириш керак. Мавжуд камчиликларни бартараф этибгина қолмай, шу билан бирга ишни тез, дадил, олға силжитишга қодир бўлган раҳбар кадрларнинг янги отрядини камол топтириш ҳақида ишлари сира бўшаштириб бўлмайди.

Кадрларга нисбатан қатъий талабчан бўлиш зарур. Камтарлик, ҳақгўйлик, тадбиркорлик, ахлоқий поклик, одамларга нисбатан талабчан ва ғамхўр бўлиш, кадрларни доимо эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслик руҳида тарбиялаш — шаҳар партия ташкилоти, шаҳар комитети ва район комитетлари биринчи секретарлари ишига хос хусусият бўлиб қолиши лозим. Халқнинг, коммунистларнинг ишончи ва ҳурматини қадрлаш керак. Шундагина социалистик тартиб-интизомни йўлга қўя оламиз, шундагина бюрократлар, таъмагирлар, мансабпарастлар бўлмайди. Ўртоқ Ельцин Тошкент шаҳри ва республика халқ хўжалиги олдида турган конкрет вазифаларни таърифлаб, КПСС Марказий Комитети хўжалик, сиёсий ва кадрлар масаласига оид ишларда, фаолиятнинг барча соҳаларида республика партия ташкилотига бутун чоралар билан ёрдам ва мадад бериб келди ва шундай қилаверади, деб таъкидлади.

Ўзбекистон Компартиясининг жанговар, етакчи отряди конференцияда билдирилган танқидий мулоҳазалардан принципиал тўғри хулоса чиқариб, партия сиёсатини амалга ошириш учун кадрлар масъулиятини кескин ошириди, деб ишонамиз. Ишлар аҳволининг талабчанлик билан таҳлил этилиши экономикага партия раҳбарлиги услуб ва методларини янада активроқ қайта қуриш, омма орасида ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишларни олиб бориш учун таъсирчан омил бўлиб хизмат қилиши керак.

Конференция КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси ва таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави лойиҳаларини якдиллик билан маъқуллади. Делегатлар қабул қилинган қарорда шаҳар коммунистлари, меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун бутун кучларини сарфлайдилар, КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини меҳнатда юксак ютуқлар билан кутиб оладилар, деб КПСС Марказий Комитетини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтирдилар.

Конференцияда шаҳар партия комитетининг, шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, В. А. Хайдуров иштирок этдилар.

Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. И. Бессарабов қатнашди.

* * *

Шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Б. Ф. Сатин Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. **(ЎзТАГ).**

РЕЗЕРВЛАР ИШГА СОЛИНСИН

МИНСК, 14 декабрь. (ТАСС). Минск шаҳридаги юрҳоналарда қўшимча ресурслар жалб этилмай, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Сўнгги икки йил мобайнида маҳсулот тайёрлашнинг ўсиб боришига меҳнат унумдорлигини ошириш ва ёнилғи, электр энергия, қора металлар прокатини тежаш эвазига эришилди. Сифатни бошқариш системаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Фахрий беш қирали белги билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғи 80 процентга етиб қолди. Съездолди ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилаётган шаҳардаги ҳамма меҳнат коллективлари фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Бугун бўлиб ўтган шаҳар ҳисобот-сайлов партия конференциясида ишлаб чиқаришни интенсивлашга коммунистлар қўшаётган ҳисса ҳақида, экономикага партия раҳбарлигини кучайтириш тўғрисида амалий принципиал гап борди. Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков қатнашди.

Партия иқтисодий стратегиясини амалга оширишда ўн иккинчи беш йиллик энг муҳим босқич бўлиши лозимлиги конференцияда таъкидлаб ўтилди. Бу беш йиллик хўжалик ишининг ҳамма йўналишларида аслида туб бурилиш ясаш даври бўлади. Фан-техника тараққиёти, хўжалик механизмини такомиллаштириш негизида экономикани интенсивлаш йўлига қатъий равишда ўтказишни таъминлаш унинг муҳим хусусиятидир. Суръатни ўстириш ва самарадорликни ошириш фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари негизида ишлаб чиқариш потенциалини жиддий янгилашни, халқ хўжалигининг янги техникавий реконструкциясини амалга оширишни тақозо этади. Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасида кўзда тутилаётган силжишлар совет халқи фаровонлигини янада ошириш учун ишончли негиз бўлиб хизмат қилади.

Сўзга чиққан нотиқлар фан-техника революцияси очиб бераётган имкониятлардан амалда кенг қўлланиб, ҳозирча яшириниб ётган резервларни ишга солиш зарурлигини таъкидладилар.

Хўжалиқ механизмини такомиллаштириш негизида ҳам фан-техника тараққиётини янада ривожлантиришнинг катта резервларидан фойдаланишга тўғри келди. Фан-техника тараққиётига энг кўп наф берадиган омиллар ҳаракатга келтирилмоғи лозим.

Сўзга чиққан нотиқлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини бундан буён ҳам ошириш резерларини қидириб топишга диққат-эътиборни қаратдилар. Ана шу проблемани ҳал этишнинг интенсив омилларидан фойдаланиш муҳимлигини таъкидладилар.

Делегатлар камчиликларни синчковлик билан таҳлил этиб, ташкилий-партиявий ва ғоявий-тарбиявий ишни янада такомиллаштириш йўллари ҳақида, социал масалаларни муваффақиятли ҳал этиш тўғрисида гапирдилар.

Конференцияда Н. И. Рижков нутқ сўзлади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Борис Иванович **Гостеви** СССР молия министри қилиб тайинлади.

ТОЖИКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Душанба, 14 декабрь. (ТАСС). Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум соғлиги ёмонлашгани сабабли пенсияга чиққанлиги муносабати билан Р. Н. Набиевни Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Пленум Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишлаган К. М. Маҳкамовни Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Г. П. Разумовский қатнашди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ 606-КАЛИНИН САЙЛОВ ОКРУГИДАН СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ ДЕПУТАТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ М. М. Мусахонов ўзининг депутатлик ваколатларини соқит қилиш тўғрисида шахсан ариза берганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«СССРда халқ депутатларининг статуси тўғрисида» СССР Қонунининг 10-моддасига асосланиб, Ўзбекистон ССРнинг Тошкент областидаги 606-Калинин сайлов округидан Иттифоқ Советининг депутати Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович **Мусахонов**нинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилган, деб ҳисоблансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1985 йил 13 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 108-БУЛУНҒУР САЙЛОВ ОКРУГИДАН СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ ДЕПУТАТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ О. Содиқов ўзининг депутатлик ваколатларини соқит қилиш тўғрисида шахсан ариза берганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«СССРда халқ депутатларининг статуси тўғрисида» СССР Қонунининг 10-моддасига асосланиб, Ўзбекистон ССРнинг 108-Булунғур сайлов округидан Миллатлар Советининг депутати Обид **Содиқов**нинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилган, деб ҳисоблансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1985 йил 13 декабрь.

КОСМОСДА ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИНГ ОЛДИ ОЛИНСИН, У ТИНЧЛИК МАҚСАДЛАРИДА ЎЗЛАШТИРИЛСИН

1985 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 40-сессияси космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Ҳужжатни бир қанча қўшилмаган мамлакатлар, шунингдек бошқа мамлакатларнинг делегациялари Совет Иттифоқи делегациясининг актив иштирокида тайёрладилар. Бу ҳужжат сессияда СССРнинг космик фазони ҳарбийлаштирмаслик шароитида уни тинч ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифи, ХХР, ПХР ҳамда бошқа давлатлар космос масалалари юзасидан тақдим этган резолюцияларнинг лойиҳаси кўриб чиқилишининг натижаси бўлди.

Резолюцияни БМТга аъзо бўлган 151 мамлакат ёқлаб овоз берди, бу эса халқаро ҳамжамиятнинг космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш, уни давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан тинч ўзлаштиришни таъминлаш борасидаги коллектив хоҳиш-иродасини аниқ равшан ифодалайди. Овоз беришда фақат АҚШ билан Гренада бетараф қолди. Қўйида қабул этилган ҳужжатнинг тексти эълон қилинмоқда.

КОСМИК ФАЗОДА ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бош Ассамблея,

Инсоннинг космосга кириб бориши натижасида инсоният олдида очилаётган буюк истиқболлардан **руҳланиб,**

Бутун инсониятнинг космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишдан ялпи манфаатдорлигини **эътироф қилиб,**

Космик фазони, шу жумладан Ойни ва бошқа осмон жисмларини тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш, иқтисодий ва илмий ривожланиш даражасидан қатъи назар, барча мамлакатларнинг бахт-саодати ва манфаатлари йўлида амалга ошириш лозимлигини ва бутун инсониятнинг мулки бўлиб қолиши кераклигини **яна тасдиқлаб,**

СЎНГРА барча давлатларнинг космик фазони, шу жумладан Ойни ва бошқа осмон жисмларини тадқиқ қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тинчлик мақсадларида амалга оширилишига бўлган хоҳиш-иродасини **тасдиқлаб,**

Давлатларнинг космик фазони, шу жумладан Ойни ва бошқа осмон жисмларини тадқиқ қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги фаолияти принциплари тўғрисидаги шартномада қатнашувчи давлатлар III моддада ўз зиммаларига космик фазони, шу жумладан Ойни ва бошқа осмон жисмларини тадқиқ қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни халқаро ҳуқуққа ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ равишда, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда халқаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш манфаатлари йўлида амалга ошириш мажбуриятини олганликларини **эслатиб,**

Жумладан, мазкур шартноманинг шу шартномада қатнашувчи давлатлар ядро қуроли ёки бошқа ҳар қандай турдаги оммавий қирғин қуроли ўрнатилган ҳар қандай объектларни Ер атрофи орбитасига чиқармаслик, бундай қуролни осмон жисмларига ўрнатмаслик ва бошқа бирон-бир турда бундай қуролни космик фазога жойлаштирмаслик мажбуриятини кўзда тутувчи IV моддасини **яна тасдиқлаб,**

ШУНИНГДЕК, Бош Ассамблея ўнинчи махсус сессияси, қуролсизланишга бағишланган биринчи махсус сессияси якунловчи ҳужжатининг космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш учун бундан буён чоралар кўриш, шартноманинг руҳига мувофиқ тегишли халқаро музокаралар ўтказиш лозимлиги уқтирилган 80-бандини **яна тасдиқлаб,**

Ўзининг 1981 йил 9 декабрдаги 36/97 С ва 36/99 резолюцияларига, шунингдек 1982 йил 9 декабрдаги 37/83, 1982 йил 13 декабрдаги 37/99 d, 1983 йил 15 декабрдаги 38/70 ва 1984 12 декабрдаги 39/59 резолюцияларига **биноан,**

Космик фазодаги қуролланиш пойгаси бутун инсоният учун хавфли эканидан ва жумладан халқаро тинчлик ва хавфсизликка янада кўпроқ путур етказиши, ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришишни секинлаштириши ва космик фазодан тинч фойдаланишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун тўсиқ қўйиши билан хавф солиши мумкин бўлган воқеалар натижасида хавфсизлик таъминланмаганлигидан иборат ҳозирги ҳолат кескинлашуви хавфи пайдо бўлганлигидан **жиддий ташвишланиб,**

Мазкур шартнома юзасидан ўтказилган музокаралар чоғида ва у қабул қилинганидан кейин БМТга аъзо бўлган давлатлар космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш тинч мақсадда амалга оширилишини таъминлашдан кенг манфаатдорлик изҳор этганликларини **эътиборга олиб** ва Бош Ассамблея ўзининг қуролсизланишга бағишланган ўнинчи махсус сессиясида ҳамда ўзининг навбатдаги сессияларида ва қуролсизланишга бағишланган конференцияда ўртага қўйилган таклифларни қайд этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишга бағишланган иккинчи конференциясида қуролланиш пойгасининг космик фазога ёйилиши хусусида изҳор этилган чуқур ташвишни ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мўътабар органларига, жумладан Бош Ассамблеяга, шунингдек қуролсизланиш комитетига берилган тавсияларни **қайд этиб,**

Космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш учун бундан буён чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қатъий **ишонч билан,**

Космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олишга доир кўп томонлама музокаралар асосида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги икки томонлама музокаралар ўнинчи махсус сессиясининг якунловчи ҳужжати 27-бандига биноан шу мақсадга эришишга катта ҳисса қўша олишини **эътироф этиб,**

Эълон қилинганидек, жумладан, космосда қуролланиш пойгасининг олдини олишга қаратилган самарали аҳдномалар ишлаб чиқиш мақсадида космик ва ядровий қуроллар — стратегик ва ўртача олислик қуроллари хусусидаги масалалар комплекси юзасидан, айниқса шу масалаларни ўзаро боғлаган ҳолда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида 1985 йилда икки томонлама музокаралар бошланганини **мамнуният билан қайд этиб,**

Бу музокаралар, 39/59 резолюцияси қатъий даъват этганидек, конкрет натижаларга имкони борича тезроқ олиб келишни **ҳоҳлаб,**

Қуролсизланишга бағишланган конференциянинг докладини **эътиборга олиб,**

Қуролсизланишга бағишланган конференциянинг 1985 йилги сессияси давомида шу конференция қуролсизланишга бағишланган музокараларнинг мана шу бирдан-бир кўп томонлама органи музокараларни олиб боришга оид мажбуриятларни ижро этиш юзасидан ҳозирги босқичда биринчи қадам сифатида космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олишга дахлдор масалаларни ўрганиш учун махсус комитет тузганлигини **табриклаб,**

Қуролсизланишга бағишланган конференция доирасида қуролсизланишга бағишланган конференциянинг 1986 йилги сессияси чоғида шу масала билан шуғулланувчи махсус комитетни таклиф тузиш хусусидаги конкрет таклифлар юзасидан ҳамон консенсусга эришилмаганлигини **англаб,**

1. Барча давлатларнинг космосдаги ўз фаолиятида куч билан дўқ қилиш ёки куч ишлатишдан воз кечиш мажбуриятини **эслатади;**

2. Самарали халқаро контрол остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш космик фазодан фақат тинч мақсадларда фойдаланишни ва у қуролланиш пойгаси майдони бўлиб қолмаслигини талаб қилишини **тасдиқлайди;**

3. Контрол тўғрисидаги тегишли ва самарали қоидалар баён этилган бундан буёнги тадбирларни халқаро ҳамжамият космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш учун қабул қилиши лозимлигини **таъкидлайди;**

4. Ҳамма давлатларни, айниқса космик соҳада катта потенциалга эга бўлган давлатларни космик фазодан тинч фойдаланиш мақсадига эришишга актив кўмаклашишга ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш манфаатлари йўлида космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш учун шошилинч чоралар кўришга **даъват этади,**

5. Бош секретардан БМТга аъзо бўлган мамлакатларга космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ундан тинч фойдаланиш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари, шу жумладан бу мақсад учун тегишли механизмни вужудга келтириш мақбуллиги хусусидаги ўз фикрларини тақдим этишни таклиф қилишни ва Бош Ассамблеянинг қирқ биринчи сессиясига доклад тақдим этишни **илтимос қилади;**

6. Қуролсизланишга бағишланган музокаларнинг бирдан-бир кўп томонлама анжумани бўлмиш қуролсизланишга бағишланган конференция космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олишга дахлдор масалаларни ўрганиш учун махсус комитет тузганлигини **табриклаб,**

Қуролсизланишга бағишланган конференция доирасида қуролсизланишга бағишланган конференциянинг 1986 йилги сессияси чоғида шу масала билан шуғулланувчи махсус комитетни такрор тузиш хусусидаги конкрет таклифлар юзасидан ҳамон консенсусга эришилмаганлигини **англаб,**

1. Барча давлатларнинг космосдаги ўз фаолиятида куч билан дўқ қилиш ёки куч ишлатишдан воз кечиш мажбуриятини **эслатади;**

2. Самарали халқаро контрол остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш космик фазодан фақат тинч мақсадларда фойдаланишни ва у қуролланиш пойгаси майдони бўлиб қолмаслигини талаб қилишини **тасдиқлайди;**

3. Контрол тўғрисидаги тегишли ва самарали қоидалар баён этилган бундан буёнги тадбирларни халқаро ҳамжамият космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш учун қабул қилиши лозимлигини **таъкидлайди;**

4. Ҳамма давлатларни, айниқса космик соҳада катта потенциалга эга бўлган давлатларни космик фазодан тинч фойдаланиш мақсадига эришишга актив кўмаклашишга ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш манфаатлари йўлида космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш учун шошилинч чоралар кўришга **даъват этади,**

5. Бош секретардан

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш доимий комиссияси раиси депутат А. Г. КАДИН доклади

Депутат ўртоқлар!

Бутун мамлакатда КПСС XXVII съездига тайёргарлик авж олиб кетди. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари қўйган вазифаларни бажариш юзасидан қизғин ва ҳар томонлама иш олиб борилмоқда.

Тартиб ўрнатиш, ҳаётимизни ичкиликбозлик ва алкоголизм сингари зарарли ҳодисалардан, жамият ва гражданлар манфаатларига ҳар қандай тажовуз қилишдан тозалаш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасидаги қатъий чора-тадбирлар бутун халқимиз томонидан маъқуллаб, кутиб олинмоқда. Ривожланган социализм жамиятига мустаҳкам давлат ва жамоат интизоми, мустаҳкам социалистик ҳуқуқ-тартибот хосдир.

Қонунларга риоя қилиш кўпчилик совет кишилари учун ахлоқ нормасига айланиб қолди. Улар ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда актив қатнашмоқдалар, социалистик турмуш қоидаларини бузишларга қарши курашмоқдалар. Совет кишиларининг онги, қоявийлиги, маънавий поклиги нақадар юқори бўлган сари, улар белгилаб қўйилган қоидалар ва нормалар, айниқса, меҳнат қилиш ва дам олиш учун қулай шароитларни, соғлиқни сақлашни, гражданларнинг қадр-қиммати ва шаънини муҳофаза қилишни гарантиялаб берадиган қоидалар ва нормалар бузилишидан иборат ҳар бир фактни шу қадар кескин ва муросасизлик билан баҳоламоқдалар.

Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳаси партия ва давлатимиз социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш масалаларига муттасил эътибор бериб келаётганлигининг ёрқин далилидир.

Бизнинг мамлакатимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунлар яқин вақтгача кўп сонли алоҳида-алоҳида Иттифоқ ва республика қонун актларидан иборат эдиқи, бу ҳол мансабдор шахслар ва гражданларнинг улар билан танишиб чиқишини, уларни қўлланишни, шу туфайли ҳуқуқбузарликка қарши курашни ҳам қийинлаштириб қўяр эди.

Ушбу кодекс лойиҳасининг ҳуқуқий базаси СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун асослари, шунингдек, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги барча амал қилиб турган норматив актлардан иборатдир.

Ана шу қонун актларига мувофиқ тайёрланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс лойиҳаси маъмурий ножўя ҳаракатларга қарши курашда ишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда мана шундай нураш олиб борувчи давлат органлари ва жамоатчилик фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлаш учун янада барқарорроқ ва келишиб олинган ҳуқуқий қоидаларни яратишга қаратилгандир. У — қонунларни жамият тараққиётининг янги босқичига мувофиқлаштириб чиқиш соҳасидаги катта ишнинг муҳим таркибий қисмидир.

Лойиҳада маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунларнинг вазифаси СССР ижтимоий тузумини, социалистик мулк, гражданларнинг сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашдан, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдан; гражданларни Совет қонунлари ва қоидаларига аниқ ҳамда оғишмай риоя қилиш, бошқа гражданларнинг ҳуқуқлари, иззат-нафси ва қадр-қимматини, социалистик турмуш қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялашдан иборатдир, деб кўрсатилган.

Лойиҳада ана шу вазифаларни ҳисобга олган ҳолда маъмурий жавобгарлик негизлари таърифлаб берилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар аниқ белгилаб қўйилган.

СССР Конституциясида одил судловнинг энг муҳим принципларидан бири мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унда: «Суднинг ҳукми бўлмаса ва қонунга мувофиқ келмаса, ҳеч ким жиноят қилишда айбдор, деб топилиши, шунингдек жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас», деб айтилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун асослари даво мийлиги сақланган ҳолда «Қонунда белгилаб қўйилган асослардан ва тартибдан бошқача тарзда, ҳеч ким маъмурий ҳуқуқбузарлик муносабати билан таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас», деган принципни белгилаб қўйди. Бу принцип кодекс лойиҳасининг 8-моддасида мустаҳкамланган.

Кодекс лойиҳаси беш бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим умумий қоидаларга бағишланган. Унда Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунлари олдида турган вазифалар баён қилинган, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг бундай ҳуқуқбузарликларга оид қонунларни чиқариш соҳасидаги компетенцияси, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва улар ижроия комитетларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилган.

Маъмурий ножўя ҳаракатларга қарши курашни уларни содир қилган шахсларга жазо беришдангина иборат қилиб қўймаслик керак. Шу сабабли бўлимда бутун чоралар билан маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳақидаги кўрсатмалар баён қилинган.

Лойиҳада халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қонунга риоя қилишни, давлат ва жамоат тартибини, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлаш соҳасидаги бир қанча вазифалари кўзда тутилган. Советлар ўз территорияларида барча давлат ва жамоат органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш соҳасидаги ишини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар бошқармалари ва бўлимларининг, маъмурий комиссияларнинг, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларнинг ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликка қарши нураш олиб бориши лозим бўлган ўзларига қарашли бошқа органларнинг фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

Иккинчи бўлимда кўрсатилганидек, маъмурий ҳуқуқбузарлик (ножўя ҳаракат) деганда давлат ёки жамоат тартибига, социалистик мулкка, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, белгиланган бошқарув тартибига тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади, бунда айбдор бўлган (қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида ножўя ҳаракат содир этган) шахсни қонунга биноан маъмурий жавобгарликка тортиш кўзда тутилади.

Агар ҳуқуқни бузиш ҳолатлари ўз хусусиятига кўра амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса, маъмурий жавобгарлик бошланади.

Тартиббузар ғайриҳуқуқий ҳаракат содир этилган пайтда ўн олти ёшга етган тандирдагина у маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР территориясидаги чет эл гражданлари ва гражданлиги бўлмаган шахслар СССР гражданлари билан умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар, амалдаги қонунларга ва СССРнинг халқаро шартномаларига мувофиқ ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг маъмурий юрисдикциясидан иммунитет билан фойдаланувчи кишилар бундан мустаснодир.

Бу бўлимда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги муҳим принципиал нормалар таърифлаб берилган ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар қилганлик учун қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жазо турлари санаб кўрсатилган бўлиб, улар жумласига: огоҳлантириш, жарима солиш; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилиш воситаси ёки бевосита объекти бўлган буюмни мусодара қилиш; муайян гражданга бериб қўйилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш; ахлоқ тузатиш иши ва маъмурий қамоққа олиш киради. Маъмурий жазо чораларининг ушбу рўйхати фақат қонун актлари билангина тўлдирилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо беришнинг умумий қоидасида бундай жазо ҳуқуқни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив актда белгиланган доирада ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун асосларига, ушбу кодексга ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа қонун актларига аниқ риоя қилган ҳолда белгилаб қўйилган.

У ёки бу жазони қўлланиш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарликнинг характери, ҳуқуқни бузувчининг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкий аҳволи, шунингдек жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Лойиҳа нормаларида маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб кечи билан икки ой ичида, ҳуқуқбузарлик давомли бўлган тақдирда эса, у маълум бўлган кундан бошлаб икки ой мобайнида берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бу муддатлар СССР таможня кодекси асосида контрабанда буюмларини мусодара қилишни қўлланиш ҳолатларига тааллуқли эмас.

Кодекс лойиҳасида маъмурий жазога тортилмаган, деб ҳисоблаш ҳақидаги қоида ўз аксини топган. Агар маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида маъмурий ҳуқуқни қайта бузмаган бўлса, у ҳолда мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган, деб ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилиш натижасида гражданга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкий зиён етказилган бўлса, у ҳолда маъмурий комиссия, халқ депутатлари посёлка, қишлоқ ва овул Советининг ижроия комитети, вояга етмаганлар иши бўйича комиссия, халқ судьяси маъмурий ҳуқуқни бузганлик учун жазога тортиш масаласини ҳал этиш пайтида башарти келтирилган мулкий зиён суммаси эллик сўмдан ортиқ бўлмаса, айбдор мулкий зиённи қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал қилишга ҳақли эканлиги, район (шаҳар) халқ суди эса бу масалани етказилган зиённинг миқдоридан қатъий назар ҳал қилавериши кўзда тутилади.

Кодекс лойиҳасида шу бўлимнинг махсус қисмида қандай конкрет ҳаракатлар маъмурий ножўя ҳаракат бўлиши ва уларни содир этганлик учун қандай жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги белгилаб берилган. Бошқарув соҳасида белгилаб қўйилган тартибга дахл қилувчи бундай ҳуқуқбузарликлар жумласига, хусусан, милиция ходими ёки халқ дружиначисининг қонуний фармойишига ёки талабига қасддан бўйсунмаслик; ўзбошимчалик; маъмурий назорат қоидаларини бузиш; давлат мукофотларига нисбатан қонунсиз ҳаракатлар қилиш; ахлоқ тузатиш — меҳнат ва тарбия — меҳнат муассасаларида, даволаш-меҳнат профилакторийларида сақланаётган шахсларга тақиқланган буюмларни қонунсиз равишда топшириш; ёнғиндан сақлаш қоидаларини бузиш ёки уларни бажармаслик; силлиқ стволли ўқотар ов қуролини сотиб олиш, сақлаш, гражданларга бериш ёки сотиш тартибини бузиш ва бошқалар киради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар жумласига лойиҳада ерлардан ҳўжасизларча фойдаланиш; қишлоқ ҳўжалик ерлари ва бошқа ерларни бузиш; вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб топширмаслик ёки уларни ўз мақсадида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик; сув ресурсларини сақлаш қоидаларини бузиш; сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш; давлат ўрмон фондига қарашли ерлардан қонунсиз равишда фойдаланиш; дарахтлар ва буталарни қонунсиз равишда кесиш ва шикастлантириш, ўрмон экинларини ва ниҳолларни йўқ қилиб ташлаш ёки шикастлантириш; СССР Қизил китобига ёки Ўзбекистон ССР Қизил китобига киритилган ўсимликларни ўзбошимчалик билан териш; ўрмонга оқава сувлар, химиявий моддалар билан, саноат корхоналари ва коммуналмаиший объектлар чиқариб ташлайдиган ифлосликлар, чиқитлар ва чиқиндилар билан зиён етказиш; атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик; ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларини бузиш, шунингдек ҳайвонот дунёсидан бошқача тарзда фойдаланиш қоидаларини бузиш киритилган.

Қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик учун, пахтани нобуд қилганлик учун, ўсимликларни карантин эълон қилинган зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан сақлаш қоидаларини бузганлик учун, ҳайвонлар карантини қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилади.

Транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар жумласига темирйўл транспорти ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини ва темирйўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш; учиш хавфсизлиги, сув транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш; ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши ва транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш киритилган.

Кодекс лойиҳаси шахснинг қадр-қимматига дахл этувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар, яъни қонунсиз тинтув қилиш, турар-жойдан қонунсиз кўчириб чиқариш ёки гражданларнинг уй-ой дахлсизлигини, ёзишмалари, телефонда сўзлашувлари, телеграф хабарлари сир сақланишини таъминлаш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

Кодекс лойиҳасида мансабдор шахсларнинг уй-жойларни ва турар-жой биноларини учётга олиш ва уларга кўчиб кириш муддатларини бузиши; турар-жой биноларидан фойдаланиш, умумий фойдаланиладиган жойларнинг, подъездлар, уйлар атрофидаги территорияларнинг санитария ҳолатини бузиш, уй-жойлардан, турар-жой биноларидан ва инженерлик ускуналаридан фойдаланиш қоидаларини бузиш, уларни хўжасизларча сақлаш, шунингдек уй-жойларни ва турар-жой биноларини ўзбошимчалик билан қайта ускуналаш ва ўзгартириш, бу лардан бошқа мақсадларда фойдаланиш; ёзги боғ уйлари қуриш, шунингдек коллектив боғдорчиликни ташкил этиш ва юритиш қоидаларини бузиш; шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари территорияларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида озодагарчилик ва тартибни таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик; колхоз бозорларида савдо қилиш қоидаларини бузиш ва белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш каби маъмурий ҳуқуқбузарлик турлари ҳам назарда тутилган.

Кодекс лойиҳасининг учинчи бўлимида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жазо чораси белгилаш ҳуқуқига эга бўлган органлар ҳамда мансабдор шахслар санаб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

— халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар; халқ депутатлари посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ижроия комитетлари; вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи район (шаҳар), шаҳарлардаги район комиссиялари; район (шаҳар) халқ судлари (халқ судьялари); ички ишлар органлари, давлат инспекциялари органлари ва СССР қонун актлари билан ваколат берилган бошқа органлар (мансабдор шахслар).

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ, овул Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун асосларига мувофиқ бошқа органлар (мансабдор шахслар) ихтиёрига бериб қўйилган ишлардан ташқари, барча хил маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб, ҳал қиладилар. Бу комиссиялар тегишли халқ депутатлари Советлари томонидан раис, раис ўринбосари, масъул секретарь ва комиссиянинг камида олти аъзосидан иборат составда ташкил этилади.

Комиссия аъзолари қилиб бошқаришнинг турли тармоқ системаларидаги (жамоат тартибини сақлаш, соғлиқни сақлаш, савдо, коммунал хўжалиги ва бошқалардаги) жамоат ва давлат органлари вакиллари сайланади.

Маъмурий комиссиялар маъмурий ножўя ҳаракатлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқар эканлар, одамларни қонунларни, гражданларнинг ҳуқуқларини, иззат-нафси ва обрў-эътиборини, социалистик турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида, ўз бурчларини ҳалол бажариш, жамият олдида масъулият ҳис қилиш руҳида тарбиялашлари керак.

Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи район (шаҳар), шаҳарлардаги район комиссиялари тегишли халқ депутатлари Совети томонидан раис, раис ўринбосари, бошқа ишлардан озод қилиб қўйилган масъул секретарь ва комиссиянинг 6—12 аъзосидан иборат составда тузилади. Зарур ҳолларда комиссия составига вояга етмаган болалар билан ишловчи инспектор лавозими киритилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик қилганлик тўғрисидаги ишларнинг баъзи категорияларини халқ судлари (судьялари) ихтиёрига топшириш шу билан боғлиқки, бу ишлар айбдорлик даражасини белгилаш, айбдорнинг ҳаракатларини баҳолаш чоғида ва ҳоказоларда маълум чигалликлар туғдиради. Бундай ишларни кўриб чиқиш чоғида гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қонунларга риоя этиш гарантияларини кучайтириш учун шундай қилинган.

Ички ишлар органлари (милиция) жамоат тартибини бузганлик, чет эл валютаси ва тўлов ҳужжатлари билан қонунсиз операциялар қилганлик, чегара режими қоидаларини, чет эл гражданларининг ва гражданлиги бўлмаган шахсларнинг СССРда бўлиш ва ССР территорияси орқали транзит йўли билан ўтиш қоидаларини бузганлик, йўл ҳаракати қоидаларини, транспорт ҳаракатининг хавфсизлигини таъминловчи қоидаларни бузганлик ва ҳоказолар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги ичкиликбозликка қарши нураш олиб борувчи комиссиялар савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганлиги ҳақидаги маъмурий ишларни, шунингдек ишлаб чиқаришда спиртли ичимликлар ичганлик ёки ишда маст ҳолда бўлганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақидаги; мастерлар, участка, смена, цехлар бошлиқлари ва бошқа раҳбарларнинг ўзларига бўйсунувчи ходимлар билан ишлаб чиқаришда спиртли ичимликлар ичишда ёки улар маст ҳолдаги шахсларни ишдан четлатиш чораларини кўрмаганлиги, шунингдек ўзларига бўйсунувчи ходимларнинг спиртли ичимликлар ичиш ёки ишда маст ҳолда бўлиш ҳолларини яширганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Кодекс лойиҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мансабдор шахслар ушбу кодекснинг махсус қисмида назарда тутилган маъмурий жазоларни ўзларига бериб қўйилган ваколатлар доирасида ва фақат ўз хизмат вазифасини ўтаётган пайтдагина қўлланишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бундай ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ доирасини қонун йўли билан бир-биридан ажратиб қўйиш гражданлар ҳуқуқларининг гарантияларига тўла риоя қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш чоғида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

Лойиҳанинг тўртинчи бўлимида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қараб чиқиш қоидалари баён қилинган. Бу қоидалар ҳар бир ишнинг ҳолати ўз вақтида, ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив равишда аниқланишини, қабул қилинган қарорнинг бажарилишини, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик қилишга олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларнинг аниқланишини таъминлашга қаратилгандир.

Совет маъмурий процессининг асосий принципи — социалистик қонунчилик ва ундан келиб чиқадиган айбсизликни устун қўйиш, объектив ҳақиқат каби принциплар кодекс лойиҳасида изчил ифодасини топди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисидаги ишлар социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилиш асосида кўриб чиқилади, маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари эса тегишли органларнинг ҳуқуқ доирасида, қонунларга аниқ мувофиқ ҳолда қўлланилади.

Бу принципларнинг амалга оширилиши маъмурий фаолиятда, қонунчиликни таъминлашнинг кўп йиллик практикада ўзини оқлаган усуллари, яъни юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан контрол қилиш, прокурор назорати, суд ҳукми устидан шикоят бериш ҳуқуқи каби усулларнинг амал қилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Маъмурий ишларни тўғри ҳал қилиш учун ғоят муҳим гарантиялар ҳам кўзда тутилган. Бу ишлар барча гражданларнинг келиб чиқиши, социал, мулкий аҳволи, ирқий ва миллий мансублигидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотларининг тури ва хусусияти, яшаш жойи ва бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида ва ишни кўриб чиқаётган орган олдида тенглиги асосида қараб чиқилади. Маъмурий жавобгарликка тортилаётиб, иш юритилаётган тилни билмаган шахсга ўз она тилида тушунтириш бериш, шунингдек ишга оид барча материаллар билан танишиб чиқиш чоғида ва ишни моҳиятига кўра қараб чиқиш пайтида таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминлаб берилади. Мазкур шахс ишга доир материаллар билан танишиб чиқиш, изоҳлар бериш, далиллар тақдим этиш, илтимослар қилиш, ишни кўриб чиқиш чоғида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; иш юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш ҳуқуқига ҳам эга. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади.

Кодекс лойиҳасида бундай ишлар юзасидан чиқарилган қарорлар устидан шикоят бериш ва протест билдиришнинг батафсил тартиби назарда тутилган. Белгилаб қўйилган муддатда шикоят бериш, шунингдек прокурорнинг протест билдириши маъмурий жазо бериш ҳақидаги қарорнинг ижросини тўхтатиб туради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят топширилади. Маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарорни бажариш учун юридик жиҳатдан мажбурий эканлиги белгилаб қўйилди.

Турли хилдаги маъмурий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги қарорларни ижро этиш тартиби ўз хусусиятларига эга. Масалан, жарима ҳуқуқни бузувчи томонидан унга қарор топширилган кундан кечи билан ўн беш кун ичида, шу қарор устидан шикоят ёки протест берилганида эса шикоят ёки протест қаноатлантирилмай қолдирилганлиги ҳақида маълум қилинган кундан бошлаб, кечи билан ўн беш кун ичида тўланиши керак.

Маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарорнинг ўз вақтида ва тўғри ижро этилиши устидан контрол қилиш қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) зиммасига юкланади.

Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳаси катта ижодий меҳнат натижасидир. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда республикаларнинг кўпгина министрликлари ва идоралари вакиллари, илмий муассасаларнинг вакиллари, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон автоном республикаси, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлари иштирок этдилар. Уни тайёрлаш чоғида республикада маъмурий жавобгарлик ҳақидаги қонунларни қўлланишнинг кўп йиллик практикаси ҳисобга олинди.

Кодекс қабул қилиниши билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги барча қонунлар мунтазам ҳолда жамлаб қўйилган ягона комплекс ҳужжат биринчи марта яратилган бўлади. У катта аҳамиятга молик ғоят муҳим ҳужжат бўлади. У амалга киритилгач, гражданлар давлат ва жамоат тартибига риоя қилиш соҳасидаги ўз бурчларидан кенг хабардор бўлишлари таъминланади, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошади. Кодекс бошқариш тартибига риоя қилишдан иборат умумий мақсадга хизмат қилади, гражданлар ва мансабдор шахсларни совет қонунларига аниқ ҳамда оғишмай риоя этиш, гражданларнинг иззат-нафси ва қадр-қимматини ҳурматлаш, ўз бурчларини ҳалол бажариш, жамият олдида масъулият ҳис қилиш руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Советидан Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексини, шунингдек Олий Советнинг мазкур кодексни 1986 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритиш ҳақидаги қарорини қабул қилишни сўрайди. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳаси ҳақидаги доклад юзасидан музокаралар

Депутат В. П. КУЗЬМИН нутқи

УЗСОВПРОФ СЕКРЕТАРИ

Гражданларнинг Конституциядаги мажбуриятлари орасида энг муҳимларидан бири — халқ манфаатлари йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилишдир. Шу боисдан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ҳар бир ишчи, колхозчи, хизматчининг, ўқувчи-ёшларнинг социал активлигини кучайтириш борасидаги ишлар касаба союзларининг диққат марказида турибди.

Ишчи ва хизматчиларни социалистик мусобақага жалб этиш ишлари, корхоналар муассасалар, ташкилотларни бошқаришда уларнинг тобора активроқ иштирок этишларининг янги формаларини қидириб топиш, бунда касаба союз комитетларининг роли ва масъулиятини ошириш Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, область касаба союзлари Советлари ва комитетларининг диққат марказида турибди. Аммо бунда ҳам бизнинг кўпгина камчилик ва нуқсонларимиз бор. Шунинг учун Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳасида касаба союз ташкилотларининг роли мутлақо тўғри акс эттирилган.

Мансабдор шахсларнинг кўпчилиги меҳнат тўғрисидаги қонунлар бажарилиши, яхши ва бехатар меҳнат шароитлари таъминланиши учун ўз масъулиятларини англамоқдалар. Шу билан бирга бу соҳада ҳали кўп иш қилиш керак. Чунончи, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Андижон, Қашқадарё, Бухоро, Тошкент областларининг бир қанча хўжаликларида иш жойларини паспортлаштириш ўтказилгани йўқ, планлаштирилган тадбирлар молиявий ва моддий ресурслар билан мустаҳкамланмаган. Республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигида, Автомобиль транспорти министрлигида, Автомобиль йўллари қуриш ва уларни фойдаланиш министрлигида, «Главсредазирсовхозстрой»да, Қишлоқ қурилиши министрлигида ишлаб чиқариш травматизмининг олдини олиш борасидаги ишларни ёмонлаштириб юбордилар.

Касаба союзлари меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан контролни амалга ошира бориб, республиканинг маъмурий органлари билан биргаликда ҳар йили корхоналар ва цехларни ўн мингтагача текширувдан ўтказмоқдалар. 1984 йилнинг ўзидагина касаба союзларининг талаби билан тўрт минтдан кўп станок, машина ускуналарнинг, ишлаб чиқариш участкалари, цехларнинг иши тўхтатиб қўйилди, уларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилганлиги аниқланган эди.

Ҳуқуқ бузилишига қарши курашда жамоат ташкилотларининг, ўртоқлик судларининг, меҳнат коллективларининг ролини кучайтириш тўғрисидаги модда лойиҳага киритилганлиги жуда муҳимдир. Айни вақтда, бизнинг фикримизча, кодексда баъзи қоидаларнинг таърифини конкретлаштириш, моддаларнинг санкцияларини, уларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларга мувофиқлигини текшириш керак.

Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг Олий Совет сессияси муҳокамасига тақдим этилган лойиҳасини маъқуллаш ҳақида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг топшириғига биноан таклиф киритаман. **(Қарсаклар).**

Депутат Д. АҲРОРОВ нутқи

САМАРҚАНД ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси катта тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг сессияда қилган доклади, сессияда қабул этилган ҳужжатлар бизнинг мамлакатимиз партия Марказий Комитетининг 1985 йил апрель, июль ва октябрь Пленумларида кўрсатилган йўлдан комил ишонч билан олға бораётганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бу йўл олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга новаторларча ёндашиш, топширилган ишга масъулият билан муносабатда бўлиш, ўз бурчини эўр ғайрат билан бажариш йўлидир.

Самарқанд меҳнаткашлари партиянинг ички ҳамда ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш борасида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар.

Халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажара бориб, совет ва хўжалик органларининг иш услуби ҳамда методларини сабот билан такомиллаштирмоқдалар, қонунларга сўзсиз риоя этилишига эришмоқдалар. Маъмурий ҳуқуқбузарликка, исрофгарчиликка, хўжасизликка, санитария режимининг бузилишига, атроф-муҳитнинг булғанишига қарши кун сайин нураш олиб борилмоқда.

Халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари доимий комиссияларининг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш борасидаги фаолияти активлашди. Мажлисларда давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мулкнинг асралишини таъминлаш, СССРнинг меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонунига риоя этиш ва уни қўлланиш масалалари муҳокама этилмоқда.

Шу билан бирга маҳаллий Советларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг совет қонунларига риоя этиш соҳасидаги фаолиятида кўпгина ҳал этилмаган проблемалар мавжуд. Ижроия комитетларнинг маъмурий, балоғатга етмаганлар билан ишлаш, кузатиш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши нураш комиссиялари ҳали етарлича самара билан ишлаётгани йўқ.

Енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналарида майда ўғирлик ҳали ҳам кўплаб содир бўлмоқда. Транспортда ва қурилиш ташкилотларида шахслар маст ҳолда жуда кўп маъмурий ҳуқуқбузарлик қилишмоқда. Айрим корхоналар ва ташкилотлар хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини сарфлашга хўжасизларча муносабатда бўлиш, стандартларга мос келмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳолларига йўл қўймоқдалар. Атроф муҳитни булғаш, санитария режимларини, ёнғин чиқишига қарши нураш қоидаларини бузиш ҳоллари мавжуд. Савдо, коммунал ва маиший хизмат корхоналарининг иши тўғрисида кўплаб эътирозлар билдирмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг сессия муҳокамасига тақдим этилган лойиҳаси социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга кўмаклашади. **(Қарсаклар).**

(Музокараларнинг давоми 4-бетда).

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

Депутат С. З. ИСЛЯМОВ нутқи

ФАРҒОНА «НЕФТЕЗАВОДМОНТАЖ» МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ МОНТАЖЧИ-СЛЕСАРЛАРИНИНГ БРИГАДИРИ

Кейинги йилларда Коммунистик партия ва Совет давлати қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, маъмурий органлар ишини яхшилаш, раҳбар ходимлар масъулиятини ошириш йўлида комплекс тадбирларни амалга оширди. Бу йўл Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳасида конкрет акс этди.

Кодекс ҳуқуқ-тартиботни ҳамма чоралар билан мустаҳкамлаш, қонунчилик ва давлат интизомига қатъий риоя этиш узоқ муддатли программаси бўлиб қолади. У биринчи навбатда қонун бузувчиларни жазолашни кучайтиришни эмас, балки қонун бузишларнинг олдини олиш, гражданларнинг онг-лилигини ошириш мақсадини кўзлайди, қайси конкрет ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ножўя иш эканлигини, улар қандай маъмурий жавобгарлик чораларини келтириб чиқаришини, бу чораларни қайси органлар қандай тартибда кўриб чиқиб, ижро этишини белгилаб беради.

Майда ўғирликлар билан давлатимизга ҳамон катта зиён етказилаётганлиги барча ҳалол меҳнаткашларни жиддий ташвишлантирмоқда. Ичкиликбозлик ҳам бизга қимматга тушмоқда. Ишга маст ҳолда келиш брак маҳсулот чиқаришга ва умуман, интизомнинг бўшашиб кетишига сабаб бўлмоқда, назоратсизлик учун замин яратмоқда. Мана шундай шароитларда «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон тайёрлашга барҳам бериш тадбирлари тўғрисида» айни ўз вақтида Фармон қабул қилинди. Шу Фармон эндиликда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс лойиҳасининг бир қанча моддаларида ҳам акс этди.

Пахта — республикамизнинг миллий бойлиги ва ифтихоридир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс лойиҳасининг III моддаси пахтани нобуд қилганлик учун гражданларга ва мансабдор шахсларга штраф солинишини кўзда тутиши бежиз эмас. Бу чоралар пахтакорларнинг меҳнатига тегишли муносабатда бўлмаганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган.

Атроф муҳитни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун масъулият белгиловчи моддаларда ишлатиш қоидаларини бузганлик, шунингдек атмосферага чиқариладиган тутунларни тозалаш учун машина-ускуналардан фойдаланилмаганлик учун мансабдор шахсларга штраф солиш жуда тўғри кўзда тутилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс лойиҳасида Коммунистик партия социалистик қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни ва интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида доимо гамхўрлик қилаётганлиги ёрқин ифодаланган. Биз шу ҳужжатни қўллаб-қувватлаймиз ва областимиз меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йилликни ғайрат-шижоат билан бошлаб, КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун ҳамма ишларни қиладилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика ҳукуматига ваъда берамиз. **(Қарсаклар).**

Депутат У. ҲАСАНОВА нутқи

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ТЕРЕШКОВА НОМЛИ КОЛХОЗ РАИСИ

Коммунистик қурилиш тажрибаси қатъий меҳнат ва давлат интизоми асосидагина, барча гражданлар совет қонунларига риоя этган тақдирдагина иқтисодий ҳамда социал вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкинлигидан яққол далолат бермоқда.

Ҳуқуқ бузилишининг олдини олишда халқ депутатлари Советлари ва уларга бўйсунувчи органлар муҳим роль ўйнайди. Аҳоли пунктларида намунали тартибни таъминлашда, меҳнат коллективларида интизомни сақлашда, тартиб-қоидалар бузилишининг олдини олишда жамоат ташкилотлари: кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, хотин-қизлар советлари ва бошқа ташкилотлар актив роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳаси жамоат тартибини янада мустаҳкамлашга, социалистик мулкни, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга, совет кишиларини қонунларга оғишмай риоя қилиш руҳида, улар ўз бурчларини виждонан бажариш руҳида тарбиялашга қаратилган.

Маълумки, моддий ресурсларни қатъий ҳисобга олмай, ва уларни иқтисод қилмай туриб, хўжалик ишларини хўжалик ҳисоби асосида юритиб бўлмайди. Моддий ва молиявий ресурслардан, электр энергиясидан, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш масалалари ҳозирги вақтда ғоят муҳим аҳамият касб этди. Шу боисдан кодекс халқ мулкини талон-торож қилишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва гражданларнинг жавобгарлигини мутлақо тўғри кўзда тутади.

Кодекс лойиҳасида қишлоқ хўжалик ерлари ва бошқа ерларни бузганлик, шу ерларнинг ишлаб чиқариш ҳамда бошқа чиқитлар ва оқинди сувлар билан булғаш, табиатни муҳофаза қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этмаслик, аҳоли соғлиғини сақлаш қоидалари ва бошқа қоидаларга риоя этмаслик (бундай қоидаларни таъминлаш мансабдор шахсларнинг хизмат вазифасига киради) билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик жуда тўғри назарда тутилган.

Ерларни яхшилаш ва тупроқни шамол, сув эрозиясидан ҳамда тупроқ ҳолатини ёмонлаштирувчи бошқа жараёнлардан муҳофаза қилишга оид мажбурий тадбирларни бажармаганлик учун ҳам мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кўзда тутилади. Кўриладиган чора-тадбирлар шубҳасиз, ерларнинг сақланишига ва улардан самарали фойдаланилишига кўмаклашади.

Тақдим этилган кодекс лойиҳасини маъқуллашни таклиф этаман. Бу кодекс совет кишиларини юксак онглилик, давлат, меҳнат ва жамоат интизомига риоя этиш руҳида тарбиялашни яхшилаш ишига хизмат қилади. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат Л. Ш. БЕККУЛБЕКОВА доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам бор куч-ғайратларини бу йилги ва умуман беш йиллик планни энг яхши натижалар билан тугаллашга, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга қаратмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети 1985 йил октябрь Пленумида қилган докладида ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси материалларида баён қилинган қоида ва хулосалар совет кишилари томонидан жуда қизғин маъқуллаб кутиб олинди. Уларда ғоят катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳини, мамлакатимиз билан, планларимиз билан фахрланиш туйғусини, келажакка дадил ишонч ҳиссини вужудга келтирди. КПССнинг янги таҳридари Программаси, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларининг, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Уставининг кенг муҳокама қилинаётган лойиҳаларида партия бош йўлининг программ мақсадлари, унинг иқтисодий стратегиясининг муҳим масалалари, ҳозирги босқичда омма орасида олиб бориладиган иш формалари ва усуллари атрофлича баён қилиб берилди.

Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва шундан кейинги Пленумлари талаблари асосида амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш, иқтисодий ва социал-маданий қурилиш, давлат ва меҳнат интизомини, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун республика Олий Совети Президиуми шу йил март ойида бўлган 1 сессиядан кейин ўтган вақт ичида бир қанча Фармонлар қабул қилдики, Конституцияга мувофиқ бу Фармонлар Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланиши керак.

Республиканинг агросаноат комплексини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида республика Олий Совети Президиуми шу йил 11 декабрдаги Фармони билан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги, Қишлоқ қурилиши, Гўшт ва сут саноати, Озиқ-овқат саноати министрликлари ҳамда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети базасида Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика Давлат агросаноат комитетини ташкил этди. Республика Тайёрлаш министрлиги Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика Ғалла маҳсулотлари министрлиги қилиб қайта ташкил этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги Қонунининг Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика министрликлари ва давлат комитетлари рўйхатини белгилаб берувчи моддасига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сизларнинг қараб чиқишингиз учун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бюджет ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бу Қонуннинг янги таҳririни тасдиқлаш ҳақидаги таклиф ҳавола этилади. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар ушбу Қонунни ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Қонун актларига мувофиқлаштириб чиқиш зарурати тақозо этган.

Лойиҳада республикамиз миллий-давлат ва маъмурий территориал тузилишига асосланиб, Ўзбекистон ССР Давлат бюджети республика бюджетини, Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджетини ва областлар ҳамда Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларини бирлаштириши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон Автоном республикаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бюджетларини тасдиқлаш тартиби назарда тутилиб, тегишли бюджетга тушадиган даромадларнинг манбалари аниқлаб қўйилди.

Бюджетни ижро этиш чоғида қўшимча олинган даромадларни, шунингдек йил охирида даромадларни ошириб бажариш ёки харажатларни тежаш натижасида ҳосил бўладиган даромадларнинг харажатлардан ортиқча суммасини сарфлаш тартиби ҳам ўз аксини топган.

Вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириб олиш тартиби бирмунча ўзгарганлиги муносабати билан шу йил 29 апрелда қабул қилинган Фармонда, башарти ўртада низо чиқмаган тақдирда, бундай ишлар халқ судъясининг ўзи томонидан якка тартибда қараб чиқилиши мумкинлиги назарда тутилиб, бу ҳақда республиканинг тегишли кодексларига зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиб қўйилди.

Қурилишда, шунингдек коллектив боғдорчиликни ташкил этиш ва юритишда тартиб бузилишига қарши курашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1985 йил 29 апрелдаги Фармони билан ёзги боғ уйлари қуриш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Ўша куни республика жиноят-процессуал кодексига суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Майда безорилик, майда ўғирлик, транспорт воситаларини ҳайдаб қочиш ва давлат учун унча хавфли бўлмаган бошқа жиноятлар тўғрисидаги материалларни судга юбориш тартиби ҳамда уларни судда кўриб чиқиш муддатлари бирмунча ўзгартирилди.

Партия ва ҳукумат ичкиликбозликка ва алкоголизмга барҳам бериш юзасидан амалга ошираётган чора-тадбирлар бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланди ва қизғин маъқулланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1985 йил 25 майда Фармон қабул қилган, унда ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш, самогон тайёрлашга барҳам бериш, жамоат тартиби ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чораларни белгилади. Республиканинг баъзи Қонун актларига зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Масалан, шу йил 31 октябрдаги Фармонга биноан спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганлик, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлик, вояга етмаганларни ичкиликбозликка жалб қилганлик учун жиноий жавобгарлик жазоси кучайтирилди. Транспортда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жиноят кодекси маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг транспортни бошқаришга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги норма билан тўлдирилди.

СССР Олий Совети Президиумининг «СССР Давлат мукофотларига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатлар қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида»ги 1985 йил 5 март Фармонига мувофиқ Ўзбекистонда шу йил 29 августда қабул қилинган Фармон билан орденни, медални ёки фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишонини сотиб олганлик, сотганлик, айирбошлаганлик, шунингдек, қалбакилаштирганлик ёки қасддан йўқ қилиб юборганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Шу йил 31 октябрь ва 2 декабрь Фармонлари билан келин учун қалин пули олганлик ёки тўлаганлик учун, имзосиз ёзилган хатда баён қилинган туҳмат учун, танқид қилган гражданларни таъқиб қилганлик учун жиноий жавобгарлик жорий этилди. Ўтмиш сарқитларига ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш зарурати тақозо этганлиги туфайли шундай қилинди.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат Қонунлари тобора такомиллаштирилмоқда. Чунончи, 1985 йил 29 августда республиканинг ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексига маҳкумларни ахлоқан янада муваффақиятлироқ тузатиш ва қайта тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартишлар киритилди, 1985 йил 2 декабрдаги Фармон билан эса маҳкумлар ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси-нинг турига қараб, кундалик зарур буюмларни сотиб олиш учун қиладиган сарф-харажат суммасининг миқдори оширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг шу йил 31 октябрдаги Фармонига кўра турар-жойларни ўз-бошимчалик билан эгаллаб олган ёки қулаб тушиш хавфи бўлган уйларда яшаётган шахслар прокурор санкцияси билан кўчириб чиқарилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди, шу муносабат билан республиканинг гражданлик-процессуал кодексига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Бундан олдинги сессия билан ҳозирги сессия ўртасидаги даврда республика Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР ҳукуматининг баъзи аъзоларини лавозимга тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш тўғрисида Фармонлар қабул қилди.

1985 йил 31 июлдаги Фармон билан ўртоқ Акром Рустамович Хўжаев ишдаги камчиликлари ҳамда ўз оила аъзоларининг уй-жой масалаларини ҳал қилишда хизмат мавқеидан фойдаланганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод этилди.

Олий Совет Президиуми 1985 йил 17 августда ўртоқ Исмоил Ҳакимович Жўрабековни мелиорация ва сув хўжалиги министри вазифасидан озод этиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари этиб тайинлади. Кейинчалик, шу йилнинг 11 декабрдаги Фармон билан ўртоқ Жўрабеков республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари — янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси қилиб тайинланди.

Шу йил 29 сентябрдаги Фармонлар билан ўртоқ Бектош Раҳимович Раҳимов пенсияга кетиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинди, ўртоқ Исмоил жон Қурбонов эса республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинланди.

Ўртоқ Валентин Иванович Огарок 1985 йил 29 октябрдаги Фармон билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил 16 августдаги Фармонлар билан ўртоқ Александр Меркулович Илюхинни пенсияга чиқиш муносабати билан республика уй-жой-коммунал хўжалиги министри вазифасидан озод этди, ўртоқ Виктор Григорьевич Духанинни эса шу лавозимга тайинлаб, уни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди.

Республика Олий Совети Президиумининг 1985 йил 17 август Фармони билан ўртоқ Мўминжон Йўлдошев ишдаги жиддий камчиликлари учун республика озиқ-овқат саноати министри вазифасидан озод қилинди.

Шу йил 19 августда ўртоқ Салим Пўлатов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри вазифасидан озод қилинди ҳамда ўша кунги Фармон билан ўртоқ Маҳмуд Салоҳиддинов республика олий ва ўрта махсус таълим министри этиб тайинланди.

1985 йил 28 августдаги Фармон билан ўртоқ Ботир Қўчқорович Қосимхўжаев Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри қилиб тайинланди.

Ўртоқ Абдуҳамид Қаюмович Қаюмов пенсияга чиққанлиги муносабати билан 1985 йил 20 сентябрда Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министри вазифасидан озод қилиниб, ўртоқ Рустам Расулевич Юнусов Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрининг ўринбосари қилиб тайинланди.

Ўртоқ Абдуҳамид Қаюмовнинг ўрнини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1985 йил 25 сентябрдаги Фармони билан ўртоқ Набижон Ғаниевич Қурбоновни турмушдаги нотўғри хатти-ҳаракатлари учун республика қишлоқ қурилиши министри вазифасидан озод қилди ва ўртоқ Тўлаган Набиевни Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб борувчи бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилиб қишлоқ қурилиши министри қилиб тайинлади.

Ўша куни ўртоқ Краснослав Петрович Дудин Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб борувчи бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланди.

1985 йил 8 октябрда ўртоқ Қаландар Сапаев Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри қилиб тайинланди.

1985 йил 26 октябрдаги Фармонлар билан ўртоқ Зоҳро Раҳимбобоева пенсияга чиқиши муносабати билан республика маданият министри вазифасидан озод қилиниб, ўртоқ Матбуа Амирсаидовна Аҳмедова Ўзбекистон ССР маданият министри қилиб тайинланди.

Ўртоқ Ҳошим Раҳимов 1985 йил 14 ноябрда Ўзбекистон ССР Чет эл туризми бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилинди. Ўртоқ Юсуп Каримович Юсувалиев республика Чет эл туризми бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган Ўзбекистон ССР Қонунлари ва республика Олий Совети қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни тасдиқлашни сўрайди. **(Қарсаклар).**

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессиясида қабул қилинган Қонунлар ва қарорлар

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексини тасдиқлансин ва у 1986 йил 1 мартдан амалга киритилсин.

2-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексини амалга киритиш тартибини белгилаш ва Ўзбекистон ССР Қонунларини шу кодексга мувофиқлаштириш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 13 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Агросаноат комплексини бошқариш органлари системасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1985 йил 11 декабрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 13 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ БАЪЗИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ, ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ АЙРИМ КОДЕКСЛАРИГА ВА БОШҚА ҚОНУН АКТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

Вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тартибига баъзи ўзгартишлар киритиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила, гражданлик ва гражданлик-процессуал Кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 1985 йил 29 апрель Фармони;

Ёзги боғ уйлари қуриш, шунингдек коллектив боғдорчиликни ташкил этиш ва юритиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги 1985 йил 29 апрель Фармони;

Ўзбекистон ССРнинг жиноят-процессуал Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 29 апрель Фармони;

Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон тайёрлашга барҳам бериш тадбирлари тўғрисидаги 1985 йил 25 май Фармони;

Ўзбекистон ССР жиноят ва ахлоқ тузатиш-меҳнат Кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 29 август Фармони;

Ўзбекистон ССРнинг баъзи Қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 31 октябрь Фармони;

Ўзбекистон ССРнинг жиноят ва жиноят-процессуал Кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 31 октябрь Фармони;

Ўзбекистон ССРнинг гражданлик-процессуал Кодексига ҳамда никоҳ ва оила тўғрисидаги Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 31 октябрь Фармони;

Ўзбекистон ССРнинг жиноят Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 2 декабрь Фармони;

Ўзбекистон ССРнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат Кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 2 декабрь Фармони.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 13 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИНИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

Ўртоқ Акром Рустамович Хўжаевни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 31 июль Фармони;

Ўртоқ Исмоил Ҳакимович Жўрабековни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш ҳамда уни Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 17 август Фармони; Ўртоқ Жўрабековни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси этиб тайинлаш ҳамда уни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 11 декабрь Фармони;

Ўртоқ Бектош Раҳимович Раҳимовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 29 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Исмоилжон Қурбоновни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1985 йил 29 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Валентин Иванович Огарокни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1985 йил 29 сентябрь Фармони.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 13 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ СОСТАВИГА КИРУВЧИ АЙРИМ ШАХСЛАРНИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

Ўртоқ Александр Меркулович Илюхинни Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 16 август Фармони;

Ўртоқ Виктор Григорьевич Духанинни Ўзбекистон ССР уй-жой коммунал хўжалиги министри қилиб тайинлаш ва уни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 16 август Фармони;

Ўртоқ Мўминжон Йўлдошевни Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 17 август Фармони;

Ўртоқ Салим Пўлатовни Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 19 август Фармони;

Ўртоқ Маҳмуд Салоҳиддиновни Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1985 йил 19 август Фармони;

Ўртоқ Ботир Қўчқорович Қосимхўжаевни Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1985 йил 28 август Фармони;

Ўртоқ Абдуҳамид Қаюмович Қаюмовни Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 20 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Рустам Расулевич Юнусовни Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1985 йил 20 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Набижон Ғаниевич Қурбоновни Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 25 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Тўлаган Набиевни Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри қилиб тайинлаш ва уни Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб борувчи бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 25 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Краснослав Петрович Дудинни Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб борувчи бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1985 йил 25 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Қаландар Сапаевни Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1985 йил 8 октябрь Фармони;

Ўртоқ Зоҳро Раҳимбобоевани Ўзбекистон ССР маданият министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 26 октябрь Фармони;

Ўртоқ Матбуа Амирсаидовна Аҳмедовани Ўзбекистон ССР маданият министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1985 йил 26 октябрь Фармони;

Ўртоқ Ҳошим Раҳимовни Ўзбекистон ССР Чет эл туризми бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 14 ноябрь Фармони;

Ўртоқ Юсуп Каримович Юсувалиевни Ўзбекистон ССР Чет эл туризми бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1985 йил 14 ноябрь Фармони.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 13 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ И. ҚУРБОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ **Исмоилжон Қурбонов** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 13 декабрь.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Р — 06202 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 287 ИНДЕКС 64